




Макс Ныкаго

Свариума  
аймид бөргөн  
хүкоя





хир биз учун бола түгилди, Ўгил бизга берилди. Ҳукмронлик — унинг зиммасидадир, исми — ажойиб Маслаҳатчи, Кудратли Худо, абадий Ота, тинчлик шаҳзодасидир.

Ишаё 9:6

*Маке Айкаго*

Сарийшта  
айтиш дөргөн  
хүкоя

Биринчи Мавлуд, самодан лавҳа



...КАЛОМ  
ХУДО ЭДИ.

...КАЛОМ ИНСОН  
КИЁФАСИГА КИРДИ  
ВА БИЗ АРО  
МАСКАН ҚИЛДИ...

*Юханно баён этган мұқадdas  
Хүшхабар 1:1, 14*



аброил!

Шоҳ овозининг садоси юрагимни ларзага келтириди. Мен эшик олдидағи қоровуллик постини қолдириб, тахт ўрнатилган катта хонага кирдим. Чап томонимда стол туарарди, унинг устида Ҳаёт Китоби бор эди. Рўпарамда Қудратли Худонинг тахти турибди. Мен сўнмас нур сочиб турган доира ичига кирдим, қанотларим билан юзимни ёпиб, мук тушдим.

— Мен шу ердаман, Раббим!



— Сен Шоҳликка яхши хизмат қилдинг. Сен — муносиб элчисан. Сенга буюрилган ишни бажаар экансан, бирор марта ҳам чекинмадинг ёки саросимага тушган ҳолатинг бўлмади. Сенинг шижаотинг ҳеч қачон суstлашмаган.

Мен бошимни эгдим, менга нисбатан айтилаётган мақтовлар ўзимга хуш ёқарди.

— Олампаноҳ, Сен менга нимани буюрсанг, мен минг маротаба ортифи билан бажараман, Шоҳим, — деб онт ичдим.

— Азизим элчи, бунга мен ҳеч шубҳа қилмайман, — Унинг сўзларида одатда Ўзига ёт бўлган тантанаворлик янгради. — Сени буюк хизмат кутмоқда. Сен менинг ҳадямни заминга етказишинг керак. Қара!

Мен бошимни кўтариб қараб, Унинг қўлида осилиб турган тилла занжирили шаффоф идишчани кўрдим. Шоҳ менга идишни узатди.

Ота гап бошлади, У ниҳоятда жиддий эди.

— Гарчанд бу идиш ҳозирда бўш бўлса ҳам, ҳадемай унинг ичида Менинг буюк инъом-



ларимдан бири бўлади. Уни қўкрагингда сақлагин.

Мен Унинг қўлларидан идишни олмоқчи эдим, хирилдоқ овоз пайдо бўлиб, мени чалғитди:

— Бу сафар Сен қандай қимматбаҳо зийнатни заминга юбормоқчисан?

Бундай ҳақоратли гапларнинг биринчи товушиданоқ мушакларим таранглашди, қўланса ҳиднинг тасодифий тўлқинидан ичимдаги ҳамма нарса қўзғалиб, кўнглим айниди. Фақат бир маҳлуққина бундай қўланса ҳидчиқариши мумкин эди.

МЕН ҚИЛИЧИМНИ СУҒУРИБ,  
ЛЮЦИФЕР БИЛАН  
КУРАШИШ УЧУН ОРҚАГА  
ҚАЙРИЛДИМ.



Елкамга қўйилган Отанинг қўли мени тўхтатиб қолди.

— Жаброил, керак эмас. У зарар етказмайди.

Мен орқага бир қадам ташладим ва Худонинг душманига қарадим. Қора чойшаб унинг танасини ёпиб туарди, мато унинг бошини ҳам, билакларини ҳам беркитган. Узун этагининг остидан уч бармоқли, тирноқлари ўсиб қайрилиб кетган оёқлар кўриниб туарди. Қўлининг панжалари илон пўстти билан қопланган, бармоқларидан узун ва ўткир тирноқлар ўсиб чиққан. У бошидаги қора рўмолни юзини ёруғ нурдан беркитиш учун янада пастроқقا тортиб олди. Хона нурга тўлган эди. Бу ёруғлик ҳамон унга азоб бераётганлиги сезилиб туарди. Нажот топиш мақсадида у мен томонга бурилди, бир лаҳзага ёпинчиқ тагидаги қиррали юз тузилиши кўзга чалинди.

— Ҳа, Жаброил, намунча тикилиб қол-



динг? — сўради у. — Наҳотки мени кўришингдан хурсанд эмассан?

Бу ўлакса маҳлуққа менинг айтадиган гапим йўқ. Менинг ёдимда сақланиб қолган образ билан ҳозирги кўриб турган образни солиштиришга менинг тилим ожиз эди. У Кўзғолонгача қандай бўлганини эсладим: бизнинг қўшинимиз олдида қанотларини кенг ёзганича мағрур турар эди. Кўлидаги баланд кўтарилган қилич ялтиради. Бизнинг ҳар биримиз унга ўхшашни хоҳлардик. Ким ҳам уни инкор эта оларди?! Юмшоқ, жингалак соchlари ва катта-катта қора кўзлари уни самодаги барча мавжудотларнинг энг чиройлиси эканини кўрсатиб турарди.

Бизнинг Яратувчимиздан ташқари, ҳамма назарда тутилади. Худони Люцифер билан солиштириш... Люцифернинг ўзидан бўлак ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Иблис, худди Яратувчи сингари, ҳамма унга итоат



қилиши кераклигини талаб қилиши шу сабабдан ҳам фақат Худонинг Ўзига маълум. Мен фақат шуни биламанки, Исён пайтидан бери мен уни қўрмаганман; ва ҳозирда юз берган ҳолат менда нафрат ҳиссини уйғотди.

Мен унда қачонлардир намоён бўлган куч ва қудрат, шижаот ва мардликнинг бирор белгисини топиш мақсадида унга тикилдим. Бироқ мен ҳеч нарсани қўрмадим.

— Сенинг янгилигинг жуда муҳим бўлса керак, — деди иблис кўзни қамаштирадиган ёруғликдан ҳамон ўзини беркитиб турар экан.

Отам хотиржам ва бир хил оҳангда деди:

— Иккинчи инъом учун вақт бўлди.

Люцифер киноя билан гапирганда, чойшаб тагидаги тананинг сесканиб кетганлиги сезилди:

— Иккинчи инъом? Умид қиласанки, у биринчисидан яхшироқ бўлади.



— Сен биринчисидан қаноат ҳосил қилмадингми? — сўради Ота.

— О, ҳечам-да, у менга жуда ёқади, — деди Люцифер ва тиррайган бармоғи билан ҳавода қуидаги сўзни ёзди

## ТАНЛАШ.

— Сен Одамга танлаш ҳуқуқини бердинг, — деди киноя билан иблис, — хўш, у қандай танлов қилди? У мени танлади! Боғда таъзиқланган мевани ейишгандан бери улар менинг асиirlарим. Улар меники. Сен бой бердинг. Ҳа-ҳа-ҳа...

— Сен қанчалар ишонч билан гапиряпсан—а... — жавоб берди Ота ва мен Унинг сабр-қаноатидан ҳайратландим.

Люцифер олдинга бир қадам ташлади. Кўйлагининг этаги полда судралиб юради.

— Албатта-да! Сен нимаики қилсанг, мен



ҳаммасини чаппасига айлантиришга устаман! Сен юракларни юмшатасан — мен тошга айлантираман. Сен одамларга ҳақиқатни очасан — мен бўлса бу ҳақиқатни зулмат билан беркитаман. Сен уларга хурсандчилик ато этасан, мен эса улардан бу хурсандчиликни тортиб оламан.

У кескин бурилди ва ўзининг қилган ишлари билан мақтаниб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Юсуфнинг акалари томонидан сотилгани — бу менинг ишим. Мусо мисрликни ўлдиргани учун сахрода қувғинликда юрди — бу ҳам менинг ишим. Чўмилаётган Бурсабога кўзларини узмай тикилиб турган Довуд... — буни мен ўюштирдим. Мен ниҳоятда кашфиётчи эканлигимни Сен тан олишинг керак!

— Кашфиётчи дейсанми? Бўлиши мумкин. Бироқ омадли кашфиётчими? Йўқ. Мен биламан, сен бирор ишни қилгунинг-



ча, аллақачон буни қилиб битирган бўласан. Юсуфни сотиши, бироқ Мен бу сотқинликни қурғоқчилик даврида Ўзимнинг халқимни очлиқдан қутқариш учун фойдаландим. Сенинг қилмишингдан Мусо сахрода яшашга мажбур бўлди, лекин бу ҳодиса унга Менинг халқимни Мисрдан сахро бўйлаб олиб чиқишига сабаб бўлди ва ёрдам берди. Тўғри, Довуд билан Бурсабо хиёнатга йўл қўйиши. Аммо Довуд йўл қўйилган гуноҳлар учун тавба қилди! Кейинчалик кўплаб одамлар бу воқеадан хабар топиб, Довуд эга бўлган битмас-туганмас ҳузур-ҳаловатга етишдилар. Сенинг ёлғонинг ва васвасалинг Менинг марҳаматимга асос сифатида хизмат қиласерди. Иблис, сен ҳанузгача Менга хизмат қилмоқдасан. Сен буни қачон тушунар экансан? Менинг ишларимга ҳалақит беришга қилган уринишларинг, Менинг режаларимни амалга ошишига хизмат қиласди.



ХАР ҚАНДАЙ ЁВУЗЛИКНИ  
АМАЛГА ОШИРИШНИ СЕН ЎЙЛАБ  
ҚЎЙГАН БЎЛСАНГ, МЕН  
УЛАРНИНГ ҲАММАСИНИ  
ЭЗГУЛИККА АЙЛАНТИРАМАН.

Ибليس бунга хириллаган, ич-ичидан узилиб чиқаётган қаҳрли минғирлаш билан норози оҳангда жавоб қилди. Олдинига ибليسнинг овози паст чиқди, кейин эса борган сари кўтарилиб, бутун зални тўлдирди, жуда қаттиқ ўкириш қулоқни қоматга келтирди. Бундай бўкиришдан бутун дўзахнинг чуқурликлари ларзага келди.

Лекин Шоҳга бу ўкирик ҳеч қандай таъсир қилмади.

— Ўзинг қалайсан? — сўради У.

Люцифер безовталаниб чуқур нафас олди.



Шоҳга жавоб бериш мақсадида сўзларни танлай бошлади ва ушбу сўзларни айтиш учун катта залдан бирор хилват жой ахтарди. Айтиладиган сўзларни топди. Бироқ ёруғдан беркиниш учун соя-салқин жой тополмади.

— Эй нур Шоҳи, ҳар доим ҳам солих йўлдан юрган ва Сенинг иродангга тинмай итоат қилиб яшаган заминдаги бирор кимсани менга кўрсат.

— Сен шуни сўрашга журъат қилдингми? Ягона бир мукаммал ва гуноҳсиз одамнинг қолган ҳамма инсонларни қутқариш учун қурбонлик қилинганини ва шунинг ўзи етарли бўлганлигини сен яхши биласан-ку!

— Мен Сенинг режаларинг ҳақида биламан, лекин Сен уларни амалга ошира олмадинг-ку! Сенинг халқинг ўғлонлари ичида ҳеч қандай Ёғ суртилгани йўқ ва бўлмайди ҳам. Бирорта ҳам бўлмайди! — у тахт олдига турди-да, Худо болалари номларини айта бошлади: — На Мусо, на Иброҳим, на Лут, на Ривқо, на Илиёс...



Ота тахтидан турган эди, зал бўйлаб шунақанги кучли нур ёғдуси ўтдики, ҳатто Люцифер гандираклаб йиқилиб тушди.

## — СЕН МЕНИНГ БОЛАЛАРИМ УСТИДАН КУЛЯПСАН, —

Худонинг овози янгради. — Эй сен, ўлакса фаришта! Сен кўп нарсани биламан, деб ўйляяпсанми? Сенинг билиминг бир пулга қиммат. Сенинг ўй-фикрларинг сенинг ўзингдан нари кетмайди. Сенинг кўзларинг ўз шахсий хоҳиш-истакларингдан бошқа нарсани кўрмайди.

Шоҳ олдинга қадам ташлади ва Китобни қўлига олди. Сўнгра Китобни Люцифернинг башараси томон қаратди ва шундай амр берди:



— Бу ёқقا қара, ёлғончи фиригарни ва сенинг ёлғонларингни фош қиласидиган Ўша Зотнинг исмини ўқи! Сенинг қўрғонинг дарвозаларини вайрон қилиб ташлайдиган Ўша Зотнинг исмини ўқи!

— Эммануил, — тўнғиллаб ўқиди у ва кўзларига ишонмаган ҳолда қўшиб қўйди: — “Худо биз билан?”

Бутун мунозара давомида у қайрилиб, кўзларини биринчи бор Отага қаратди:

— Йўқ. Ҳаттоки Сен ҳам бундай қилмаган бўлардинг. Ҳатто Сен ҳам бунга журъат этмайсан.

— Иблис, сен олдин ҳам Менга ҳеч қачон ишонмагансан.

— Лекин Эммануил? Бу телбалик! У ерда — пастда бўлиш қандай эканлигини Сен тасаввур ҳам қила олмайсан! Биласанми мен ерни қандай зулматга ғарқ этганимни?! Ер чириб бормоқда, у ерда ёвузлик ҳукм сурмоқда. Ер...



— у МЕНГА ҚАРАШЛИ,  
— ДЕДИ ШОХ,  
— ВА МЕН УНИ ЎЗИМГА  
ҚАЙТАРИБ ОЛАМАН.  
МЕН ИНСОН ҚИЁФАСИГА  
КИРАМАН ВА МЕНИНГ  
ЯРАТГАНЛАРИМ  
НИМАНИ ҲИС ЭТСА,  
МЕН ҲАМ ЎШАНИ  
ҲИС ҚИЛАМАН.  
МЕН ДУНЁНИ УЛАРНИНГ  
НИГОҲЛАРИ БИЛАН  
КЎРАМАН.



— Бироқ уларнинг гуноҳлари-чи?  
— Мен уларга раҳм-шафқат ато этаман.  
— Ўлим-чи?  
— Мен уларга ҳаёт инъом қиласман.  
Иблис жим бўлиб қолди.  
Худо гапида давом этди:

— Мен Ўзболаларимни яхши кўраман. Кимики яхши қўрса, ўз севганларини озодликдан маҳрум этмайди. Севги ва муҳаббат қўрқувдан ҳалос қиласди. Эммануил ўзидан кейин мард ва жасур авлод қолдиради. Улар сенинг дўзахингдан ва сендан қўрқмайдилар.

Бундай гаплардан иблис довдираб қолди. Унинг овози худди йиғламоқчи бўлган боланинг овозидай янгради: “Йўқ, кўр-қа-қади-ди-лар!”

— Мен уларни гуноҳдан озод қиласман ва шу билан бирга, Мен уларни ўлимдан ҳам озод қиласман. Гуноҳсиз ва ўлимсиз сен одамларга ҳеч қандай ҳукм ўтказа олмайсан.

Иблис тиррайган бармоқларини қирсил-



латиб хонада айланасига ўрмалай бошлади.  
Ва ниҳоят у тўхтагандан кейин, шундай  
савол бердики, бу саволга жавобни мен ҳам  
билишни истардим.

— Нима учун? Нега? Нега сен шундай  
қилмоқчисан?

Отанинг овози қатъий ва шу билан бирга,  
мулойим ҳам эди:

— Чунки Мен уларни яхши кўраман.

Бу икки шахс бир-бирига қарама-қарши  
туради. Ҳеч бири бир оғиз сўз ҳам га-  
пирмасди. Менинг қаршимда оламнинг ик-  
ки қутби туради: нурга бурканган, Унинг  
кийимининг ҳар бир толасидан ёруғлик та-  
ралиб турган Худо ва бошқасининг  
кийимларининг ҳар бир қатида ёвузлик ўра-  
ниб олган иблис. Тинчлик даҳшатга қарши  
чиқди. Донолик ақлсизликка қарши чиқди.  
Бири — Қутқарувчи, бошқаси — ноҳақ  
айловчи.

Кейинчалик ўша дақиқада нима юз



берганлиги түғрисида мен узоқ ўйладим. Гарчанд ўша лаҳзаларни кўп марта бошимдан кечирган бўлсам-да, ўша ҳодисалар ҳақидаги таассуротлар ҳамон мени ҳайратда қолдириб келади. Ҳеч қачон, ғоят юксак парвоз қилган хаёлларимда ҳам менинг Шоҳим ўшанда қилган ишларини, У шундай қилиши мумкин, деб тасаввур қимаганман. Агар У иблиснинг йўқолиб кетишини талаб этганда ҳам, ҳеч ким Унга эътиroz билдира олмас эди. Агар У иблисни йўқ қилиб юборганда ҳам, кимнинг иблисга раҳми келарди?! Агар У менинг жанг қилишимга ижозат берганда эди, мен иблисга ҳамла қилишга тайёр эдим. Бироқ Худо бундай йўл тутмади.

Ёруғлик халқасидан У қўлини узатди.  
Унинг тахтидан шундай сўзлар жаранглади:  
— Сен Менга бўйсунасанми? Менинг  
хузуримга қайтиб келасанми?

Иблиснинг мақсадларини тушунишдан мен йироқдаман. Бироқ бир лаҳзага унинг



ёвузлашган, бағритош юраги бирдан юмшагандай туюлди менга. Унинг боши ён томонга қийшайди, чунки таклиф ибليسни гафлатда қолдирған эди. Бироздан сүнг у бошини күттарди.

— Биз қаерда олишамиз ? — сўради у жангга даъват этаётган оҳангда.

Ота ёвуз фариштанинг қайсарлигини кўриб, афсус билан деди:

— Гўлгота деб аталадиган тепаликда.

— Агар сен ўша ергача етиб боролсанг, албатта, — деб киноя қилди ибليس. У эшик томон йўл олди. Қанотларини ёзди ва юқорига интилди.

Ота бироз ўйланиб турди, сўнг яна қайрилиб Китобга қаради. У сўнгги бобни очиб, мен олдин ҳеч қачон эшитмаган сўзларни оҳиста ўқиди. Булар гаплар эмасди, жумлалар ҳам эмасди. Булар бир-биридан узоқ паузалар билан ажратилган оддий сўзлар эди:



И С О,  
М И Х,  
Х О Ч,  
К О Н,  
Т О Б У Т,  
Х А Ё Т.

У қўлини мен томонга чўзди. Мен яна  
Унинг қаршисида мук тушдим. Менга идиш-  
ни узатар экан, У тушунтирди:

— Ҳадемай бу идиш Менинг моҳиятим —  
уруг билан тўлдирилган бўлади. Бу уруг эса  
ёш ва бокира қизнинг қорнига жойлаштири-  
лади. Унинг исми Марям. У — Менинг хал-  
қимнинг қизларидан бири. Бу урганинг са-  
мараси Худо Ўғли бўлади. Буни Марямга  
олиб бориб бер.




— Лекин мен уни қандай таниб оламан? — сүрадим мен.

— Бу ёғини Менга қўйиб бер. Хавотир олмагин, сен янглишмайсан.

Мен Худонинг мақсадини тушунолмасдим, аммо бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Мен учун энг муҳими — Унинг амрини бажариш эди. Мен бошимни эгдим ва У идишни занжиридан бўйнимга ўтказиб осиб қўйди. Мен ҳайратда қолдим, чунки шишача энди бўш эмасди. Идишча ўзидан нур таратиб турарди.

— Исо. Марямга айтгин, Менинг Ўғлимнинг исмини Исо қўйсин.





Биз йўлга тушдик ва бу бениҳоят тантанавор шароитда бўлиб ўтди. Фаришта Микоил Мардлик Китобидан баъзи бир сўзларни ўқиб берди. Аскарлар Отадан Унинг Руҳи бизнинг қўшинимизни бошқариб боришини илтижо қилиб, санолар куйлашарди. Ота Ўзининг таҳтидан турди ва сўнмас нурлар оқимида Ўз сўзлари билан бизни қўллаб-қувватлади.

У фаришталарга деди:



— Эй хизматкорларим, бардам бўлинглар.  
Сўнгра У менга қаради—да, мени  
огоҳлантириди:

— Жаброил, сен бу уруғни бешикаст, бус-  
бутун етказишни истасанг, иблис ҳам шун-  
чалик ушбу уруғни йўқ қилишга интилади.  
Лекин қўрқмагин, Мен сен билан биргаман.

— Сенинг хоҳиш-ироданг амалга ошсин, —  
деб жавоб бердим мен Унга ва қўшиннинг  
олди қисмида ўз жойимни эгалладим. Сафарга  
чиқиш фурсати етган эди. Мен ҳамду сано  
қўшигини куйлай бошладим, қолаверса шу  
сано хужумга ўтишга ишора эди. Бирин-кетин  
фаришталар менинг қўшиғимга қўшилишди.  
Яна бир лаҳза порлаётган нурга қарадим, сўнг-  
ра биз қайрилдик—да, самоларга интилдик.

Биз Унинг нурлари тўлқинларида учар-  
дик. Биз ўз қўшиқларимизнинг сўзлари би-  
лан бирга олдинга олға интилдик. Парагон  
менинг ўнг томонимда, Эгус эса чап томо-  
нимда учиб боришарди. Идишчани қўриқ-



лаш учун уларни Отанинг Ўзи танлаб олган.  
Улар қудратли эдилар. Улар итоаткор эдилар.  
Улар мўмин эдилар.

Бизнинг қўшинимиз шунчалик катта  
эдики, унинг охири қўринмасди. Биз бирга-  
ликда жуда катта ва қудратли куч эдик. Биз  
яшин тезлигида коинот узра учеб борардик.  
Менинг бошчилигимда минглаб фаришталар  
қўшини борарди. Мен орқамга ўгирилиб  
қарадим: охири йўқ кумушранг қанотларнинг  
бир маромда оҳиста тепага кўтарилиб, паст-  
га тушиши роҳат бахш этар ва кўзни қувонти-  
рар эди.

Ялтираб товланаётган оқим орасидан  
тинмай тўхтатиб бўлмайдиган ҳамду сано ва  
ҳайрат садоси барада эшитилиб турарди:

— Бизнинг Худомиз буюк ва барча  
қудратга эгадир!

— Фақат У ҳамма нарсага қодир!

— У Шоҳларнинг қудратли Шоҳи ва ҳук-  
мдорларнинг қудратли Раббийси!



— Бу Эгамнинг жангиги!

Ушбу вазифани бажариш учун мен энг кучли фаришталарни танлаб олдим, чунки душманларга қарши чиқиб ғалаба қозониш учун энг довюрак лашкар зарур. Фаришталарнинг ҳар бири айнан ўзларини танлашларини хоҳлашар эди, лекин жангга мен билан энг кучли ва яхши тайёргарлик кўрган самовий аскарлар йўл олдилар.

Биз Эммани буржидаги Эбон галактикасини ортда қолдирдик. Мен кўзимнинг қири билан Эксалон сайёрасининг милтиллаб турганини кўрдим. Бу сайёра Отага содиқ бўлган кўплаб Худо болаларини асраб, ҳимоя қиласиган сайёра ҳисобланарди. Биз Кларион буржидан учиб ўтдик ва Дария деб аталган юлдузлар халқасига кириб бордик.

Менинг бўйнимда нур таратотган идишча осилиб туради. Бу идишчанинг сири ҳамон мен учун ечиб бўлмас жумбоқлигича қоларди.



Орқадан менга Софионинг майин овози етиб келди. Ота Софиога донолик ато этган, шунинг учун мен кўпинча уни ўзим билан сафарга олиб юрадим. Унинг вазифаси доимо бирдай эди. Ҳар гал мен унга шундай талаб қўярдим: “Учиш жараёнида менга ҳақиқат ҳақида эслатиб тур!” Ҳозир ҳам у худди шундай йўл тутди. “Люцифер — ёлгоннинг отаси. Унда ҳеч қандай ҳақиқат йўқ. Люцифер фақат ўғирлаш, ўлдириш ва хароб қилиш учун келади”, — деди Софио.

Менинг юрагим мардликка тўлгани сингари, тезлигим ҳам ошиб борарди. Биз мағлуб бўлишимиз асло мумкин эмаслигини ўзимиз ҳам яхши билардик. Бироқ жангнинг шунчалик тез бошланиши бизнинг ҳаёлимизга ҳам келмаган эди. Биз Вакт Тизмасини босиб ўтишимиз биланоқ, Парагон хитоб қилди:

— Жангга!

Бирдан мен кўринмас тўрга тушиб қолганимни пайқадим. Фаришталарнинг сафи бир-



бири билан түқнашиб, аралашиб кетди.  
Ҳатто колоннамизнинг энг охирги қатори  
ҳам қопқондан қочиб қутулиш учун ниҳоят-  
да тез ҳаракат қиласарди. Бир лаҳзада ҳаммаёқ  
остин-устун бўлиб кетди:

**ҚАНОТЛАР**

**ҚАНОТЛАРГА УРИЛАРДИ.**

**ФАРИШТАЛАР**

**ФАРИШТАЛАР**

**БИЛАН ТҮҚНАШАРДИЛАР.**

Биз ҳали қиличларимизни олиб улгур-  
масимиздан ҳужум қилувчилар тўрни шуна-  
қанги таранг тортиб қўйишдикি, биз ҳатто қи-  
мир этолмай қолдик. Мен уларнинг масха-  
раомуз овозларини эшиздим:

— Шуми энг яхшиларнинг зўрлари?



— Уларни тубсиз жарликка тортиб кетамиз!

— Эндиям ким бу ерда ҳақиқий хүжайин эканлигини сиз билиб оласизлар!

Бироқ душманнинг хурсандчилиги узоқقا чўзилмади. Шоҳ ёвузлик тўрлари билан курашишни менга ўргатган эди. Мен нима қилишим кераклигини яхши билардим.

— МУҚАДДАС, МУҚАДДАС, ҚОДИР ХУДО МУҚАДДАСДИР! — ҳайқирдим мен.

— МУҚАДДАС, МУҚАДДАС, ҚОДИР ХУДО МУҚАДДАСДИР! — дердим мен яна ва яна Ҳукмдоримни улуғлаб. Мен Шоҳни улуғлаб айтаётган ҳамду саноларимни фаришталар эшитишди ва улар ҳам мақтовга қўшилдилар.

Ҳақиқат сўzlаридан заифлашган дўзах лайчалари тўрни қўйиб юборишли. Биз тўрдан эсон—омон қутулиб чиқдик.



— Кимки Раббийни улуғласа, У шундайларни яхши кўради! — ҳайқирди Софии тантанавор.

Озод бўлгач, биз ўзимизнинг нур таратиб турадиган қиличларимизни олиб, тепага кўтардик. Бизнинг сафимиз шунчалик зич эдики, ташқаридан қаралганда отрядимиз ёнаётган катта шарга ўхшарди. Ёрқин нурдан кўзлари қамашган шайтонлар бир-бирлари билан тўқнашиб, саросимага тушишди ва тумтарақай қочишди. Мен ўз фариштадан бир қисмини қоюқларнинг кетидан юбордим. “Шундай қилингларки, улар бошқа қайтиб келишмасин”, — деб буйруқ бердим мен аскарларимга.

Мен флангалардаги аскарларимга қардим — олдин ўнг қанотни, кейин чап қанотни кўздан кечирдим: ҳаммаси жойида эканлигини ҳамда талафот кўрмаганимизга ишонч ҳосил қилдим. Бу тўқнашув бизнинг қатъиятлигимизни мустаҳкамлади. Мен яна



қўшиқни бошладим. Биз қиличларимиздан тараккаётган нурлар оқимида ҳамду санолар оғушида олға борардик.

Танланган галактиканинг чегарасида жойлашган Эсколада олтин сайёраси ҳам ортда қолди. Бу юлдузларни ҳар биримиз яхши биламиз. Турли топшириқларни бажараётганимизда, биз кўпинча шу ерга яқин жойларда бўламиз. Гарчанд бу буржлар билан бизнинг ёрқин хотираларимиз боғлиқ бўлсада, биз бу ерда бир дақиқага ҳам ушланиб қолмадик. Бажаришимиз керак бўлган топшириқ ниҳоятда муҳим эди.

— Жаброил! — деб чақирди мени Парамон. — Ана у томондаги маҳлуққа қара!

Илгари менга ҳеч қачон бундай шайтонни кўриш насиб этмаган эди. Узун, тангасимон бўйнида шоқолнинг калласи жойлашган бўлиб, тана эса шайтоннинг танаси эди. Унинг ёйилган қанотлари шунчалик кенг эдики, уларнинг орасига ўн иккитадан ошикроқ аскар-



ларим сиғарди. Тўрт панжадан ҳар бири осонликча бир нечта фариштани йиқитиши мумкин эди. “Бу ким?” — деб Парагон ва Эгусдан сўраган эдим, менга Софиро жавоб берди.

— Бу Флумар.

— Флумар? Бўлиши мумкин эмас!

Кўзғолонгача Флумар бизнинг энг яхши қўшиқчимиз ва муносиб аскаримиз эди. Кўпинча Флумар ўзининг жавлон уриб учайдиган қанотлари билан ҳаммани мафтун қилиб, қўшиннинг олдида борарди. Ҳозирда мен куйлаётган қўшиқларнинг барчасини илк бор Флумардан эшитганман. “Энди унга нима бўлди экан!” — ўйладим мен.

Унинг беғубор кўзларига ва қордай оппоқ кийимларига нима бўлибди? Флумарнинг хушчақчақ нигоҳи қаерга кетди экан? Мен унга яқинлашганимда ундан анқиб турган ёвузлик ҳидидан сесканиб титраб кетдим. Ҳужумни қайтариш учун қиличимни ялангочладим. Мен ундан бир нарсани кутмаган



эдим: бу ҳам бўлса, менга берилган саволни.

— Дўстим, биз қачонлардан бери учрашмадик? — унинг овозини мулойим дейишим мумкин эди, агар “мулойим” сўзи шайтонларга нисбатан қўлланилса, бундан ташқари, у шайтонларнинг бошлиқларидан бири эди.

— Унчалик кўп бўлмади, шекилли, жаҳннамнинг боласи! — дедим унинг олдидан учиб кетар эканман. Унинг қархисида тўхташга ботинмадим, чунки мен ўзимга ўта дараҷада ишонч ҳосил қилмаган эдим. Мен ўзимнинг ҳис-туйғуларимга ишонмас эдим ва ўз имкониятларимга ортиқча баҳо бермагандим. Мен учишни давом эттирдим, Флумар бўлса мендан ортда қолмади. Тезлик билан менга етиб олди-да, ёнимда учиб борар эди.

— Жаброил, менга қулоқ сол!

— Сенинг ҳукмдоринг — ёлғончи ва ёлғоннинг отаси.



— Йўқ! Энди у бошқача бўлиб қолди, — эътиroz билдири Флумар.

Мен учишни секинлаштирмасдан, олдинги тезлик сурати билан учардим. Эгус ва Парамон сал нарироқда учишарди. Уларнинг қўллари қиличнинг дастасида эди. Улар менинг буйруғимни кутишарди. Улар мениниҳоятда безовта қилаётган фикрни кўзларимдан билиб олмасликлари учун ибодат қилдим. Агарда Флумар олдингига қараганда ўн баробар кучсиз бўлганда ҳам, барибир биз “ҳа” деб улгурмасимииздан, у бутун полкни йўқ қилиб ташлашга қодир эди. Флумар биз кабиларнинг энг кучлиси эди.

Флумар гапини давом эттириди:

— Сен йўлда бўлган пайтингда, мўъжиза юз берди. Сен ўз қудратинг билан бизнинг аскарларимизни яксон қилганингни хўжайиним билибди. Сенинг кучинг ва хўжайинимнинг заифлиги уни безовталантиряпти. Бундан ташқари, Шоҳ ҳузурида эшиг-



ган ажойиб таклифдан у бениҳоят боши қот-  
ган күринади. Хўжайнинг айтишига қара-  
ганда, ўша таклиф айтилганда сен ҳам бўл-  
ган экансан. Жаброил, ахир, сен бу мулоқот-  
нинг гувоҳи бўлгансан, шундайми?

Гарчанд мен Флумарга жавобан ҳеч нарса  
айтмаган бўлсам ҳам, Худонинг қулоч очгани  
менинг хаёлимда яна намоён бўлди. Мен  
шунингдек, ибليسнинг эгилган бошини ва  
мен олдинига қандай хаёлларга борганимни  
эсладим. Наҳотки унинг юраги ҳақиқатдан  
ҳам юмшаган бўлса?

Флумарнинг овози ҳаяжонланган эди:  
— Юр, Жаброил! Люцифер билан гаплашиб  
кўр. Ўзингнинг Ҳукмдоринг ҳақида у би-  
лан сухбатлашгин. У сенга қулоқ солади. Ик-  
кимиз бирга борайлик—да, Люциферни тав-  
ба қилишга кўндирайлик.

Флумер шиддат билан олдинга интилди-  
да, менинг йўлимни тўсиб олди. Мен тўх-  
ташга мажбур бўлдим. У катта қоя сингари те-



памда савлат тўкиб туарди. Мен ундан ҳамма нарсани кутган бўлсам-да, фақат буни кутмаган эдим. Мен энди қандай йўл тутишим кераклигини Худодан сўраб, ибодат қилдим.

— Жаброил, мен ва сен яна бирга бўламиз! — деди аждар қиёфасидаги шайтон. — Ҳақиқатдан ҳам бунинг иложи бор! Биз яна бирга бўлишимиз мумкин! Иблис иккиланмоқда, менинг юрагимда ҳам ўзгаришлар юз бермоқда.

Тўсатдан менга мадад келди. Мен қандай йўл тутишим кераклигини тушундим ва менинг қилган ибодатимга жавоб келганлиги учун Худога шукроналар айтдим.

— Демак, Флумар, ўзингнинг айтишингга қараганда, юрагингда ўзгаришлар юз бердими?

У катта калласини қимирлатди. Мен Парagon ва Эгусга бурилиб қарадим. Уларнинг юзларидаги қўрқув секин-аста қизиқишга алмашарди.



— Ва сен бизга қўшилмоқчимисан, Флумар, шундайми?

— Ҳа, ҳа, Жаброил! Исён хато эди! Юр, биз иккимиз Люцифер билан гаплашиб олишимиз керак. Мен яна самоларга қайтишни хоҳлайман! Мен ўзимнинг олдинги жозибадорлигимга қайтмоқчиман!

Бу пайтга келиб менинг режам батамом тайёр эди.

— Флумар, сен айтаётган ҳамма гаплар ниҳоятда ажойиб!

Ёнимда турган фаришталарнинг юзидаги таажжубни мен англадим.

— Бизнинг Худомиз — эзгу ниятли Худо, — деб жар солдим мен, — қаҳр-ғазаб учун У ховлиқмайди, У мурувват кўрсатишга шошилади. Шубҳасиз, сен ўз гуноҳингга тавба қилганингни У эшитди.

Бир оздан сўнг Флумар билан юзма-юз бўлиш учун баландроқقا кўтарилидим ва тўғридан-тўғри унинг кўзига тик қараб дедим:



— Кел, унда иккимиз Унга ҳамду сано айтамиз!

Флумарнинг юзига қўрқув сояси тушди. Софио мен нимага шама қилаётганимни тушунди ва ҳақиқатдан дарак берди:

## ЎЗИНГНИНГ РАББИНГ ХУДОГА ИТОАТ ЭТ!

— Аммо... лекин... бироқ... Мен умуман сўзларни эслай олмайман!

Флумарнинг асл ниятлари энди аён бўлганда, менинг аскарларим уни қуршаб олишган эди. Мен Флумарга янада яқинроқ келиб, қатъий равишда дедим:

— Сен бизнинг Ҳукмдоримизга итоат қилишни хоҳлайсан-ку! Ҳамду сано сўзларини ҳам унутмагансан. Оғзингни очгин-да, Раббийнинг исмига эътиқод қил!

Флумар қайрилиб қаради, лекин унинг бошқа иложи йўқ.



— Бизга қўшилгин! — дедим мен даъваткор оҳангда. — Агар сенинг юрагинг чиндан ҳам олдингидай бўлишини истасанг, биз билан бирга Худога эътиқод қил!

Мен қиличимни қинидан чиқардим ва қўшиб қўйдим:

— Агар йўқ десанг, мен жанг қилишга тайёрман!

Найранги қўл келмаганлигини Флумар тушунди. Унинг лаблари Олампаноҳ Худога ҳамду саноларни айта олмасди — *айтишга қодир эмасди*. Унинг юраги иблисга қарашли эди. У бўйинни чўзди, бизни қўшни галактикага отиб юбориш учун олдинга ташланди. Агар биз, ўз кучимизга ишонганимизда эди, Флумар бизни мағлуб қилган бўларди. Биз бутун қўшинни бирлаштирганимизда ҳам, Флумарнинг қудрати олдида ожиз эдик. Бироқ бизга юқоридан куч ато этилган эди. Худонинг қудратидан биз кучга кириб, шайтонга ташландик.



Флумар ҳамла қилиб улгурмасдан, уни нур қиличи ярлади. Шайтоннинг пўсти буришиб тортишди ва мўм сингари эрий бошлади. Суяклардан осилиб турган этни бирпасда доғлар босди ва эт ирий бошлади. Унинг оғзидан қўпик отилиб чиқди. У оғзини очиб инграрди. Оламни ларзага келтирган инграшларнинг ичидаги буниси ниҳоятда ачинарлиси эди.

— Мени ўлдиринглар! — деб ёлворди у йиглаганича. Ўлим Флумар учун ҳузурхаловат эканлигини ўзи биларди. Чунки у Люцифернинг ҳузурига қайтиб борадиган бўлса, Флумарни ниҳоятда даҳшатли жазо ва азобуқубатлар кутарди.

— Фаришталарнинг жони Худонинг ҳукмигача сақланади, — деб эслатдим мен Флумарга. —Faқат Ота абадийларни ҳаётдан маҳрум эта олади.

Ўлим шайтонини дўзахга жўнатаётган бизнинг қиличларимиз порлади. Бир лаҳза бу



мавжудотга ачиниш ҳисси билан қараб турдим. Бироқ мен уни ибليسнинг ёлғонларига учиб, иблик изидан кетганини эслаганимда, олдинги шафқатимдан асар ҳам қолмади.

Худо бизга ғалаба ато этгани ва мени қутқаргани учун Унга шукроналар айтдим, Уни улуғладим. Ота мени жүнатаётганда қилган башоратларни ва насиҳатларини мен эсладим.


— Биз бу уруғни қанчалик бешикаст, бус-бутун етказишни истасак, иблик ҳам шунчалик ушбу уруғни йўқ қилишга интилади.

Биз қўлларимизни кўтариб, Унинг номини ҳаммадан юқори қилиб улуғладик. Сўнгра йўлимизни давом эттиридик. Тез орада биз Куёш системасига етиб бордик. Мен бошимни кўтардим, бу эса менинг жангчиларимга бўлган ишора эди. Сўнгра улар учиш тезлигини пасайтиришди. Ернинг нафаси бизни қуршаб олди ва мен ингичка қуруқлик



чизиғини күздан кечирдим. Бу ерда ахдга биноан аҳоли жойлашган эди.

“*Ушбу шар Унинг күзи ўнгида нақадар бебаҳо!*” — ўйладим мен. Бундан катта ҳажмдаги янада буюкроқ сайёralар мавжуд. Бироқ Одам ва унинг болаларига бундан бошқа сайёра мос келмас эди. Мана, уларни озод қилиш соати яқинлашиб келди. Худо томонидан танланган қиз бизнинг пастимиздаги кичкинагина шаҳарчада ухлаб ётарди.





— **А**

ўриб турибман, сизлар бу ерга соғ-саломат ва бешикаст етиб келибсиз.

Овоз мен энг қўрқкан махлуққа тегишли эди. У бизнинг рўпарамизда турарди. Биз тўхташга мажбур бўлдик.

— Люцифер, сен яна олдинги лиbosларингни кийиб олибсан, шундайми? — сўрадим мен.

Мен билан бирга келган фаришталар унинг кўринишидан саросимага тушишди. Қолаверса, мен ҳам шошиб қолдим: шу иблис



эмасми таҳт турған катта уйда ўзига нисбат мендә нафрат ўйғотган?

Унинг хириллаган овози жаранглаган баритонга айланган. Олдинги тиррайган бадан ҳозирда келишган қадди-қоматга айланган эди. Унинг қордай оппоқ ва ялтираётган либосларининг олдида бизнинг оқ кийимларимиз кир ва қулрангга ўхшаб турарди. Унинг жозибадор овози билан солиштирилганда, бизники одамнинг раҳмини келтирадиган чийиллашга ўхшарди. Биз қиличларимизни кўтардик, бироқ унинг ялтираб ёнаётган қиличи билан солиштирилганда, бизнинг қиличимиз хира, худди қуёш нурини липиллаётган шам ёлқини билан солиштиргандай эди.

Ҳайратга тушган аскарларим иблисга қараб туришар эди. Биз сафарга чиқишимиздан олдин, Микоил аскарларни хавф-хатар тўғрисида огоҳлантиришга ҳаракат қилди, бироқ ҳеч ким Люцифер билан учрашув қандай бўлишини ва охири нима билан тугашини асло айтиб



бера олмасди. Чунки Люцифер бир оғиз сўз демай, ҳаммани ўзига ром қилади. Қилич кўтармай туриб, бошқаларни у қуролсизлантиради; қўл теккизмай йўлдан озиради. Шундай ҳолатлар ҳам маълумки, фаришталар ҳеч бир қаршиликсиз Люциферга бўйсунишган.

Аммо Отанинг сўzlари ҳамон қалбимда жаранглаб турибди: “У бошдан-оёқ ёлғончи бўлган”.

Иблис менга илиқ жилмайиш билан қаради.

— Жаброил, Жаброил! Мен неча бор сенинг исмингни такрор—такрор айтганман!? Менинг хизматкорларим тасдиқлашлари мумкин — ўтган йиллар мобайнида мен доим сен ҳақингда ўйладим. Сен — садоқатли фариштасан, энди сенинг садоқатинг муносиб тақдирланади. Топшириқларнинг энг зўри сенинг зиммангга юклатилган.

Люцифер бошини орқага ташлаб кулгидан қотди. Бу кулги ёвуз эмас, Худонинг кулгисига ўхшар эди. *Нақадар моҳирлик билан у Шоҳга тақлид қилмоқда!*

— Мен тақлид қилмаяпман, — деди у худди



менинг фикрларимни уқиб олгандек. — Мен чин дилдан куляпман. Мен сен учун хурсанд бўлмоқдаман. Сен синовдан муваффақиятли ўтдинг.

Менинг юз тузилишимдан, эҳтимол, қандай ташвишга тушганимни билиб олиш қийин бўлмаса керак.

— Унинг Ўзи бу ҳақда сенга ҳеч нарса айтмадими? Самовий Отамиз нақадар доно! Бу тўғрида сенга айтишга менга ижозат бериб, қанчалик улуғ иш қилди У. Буларнинг ҳаммаси сенинг садоқатингни синааб кўриш учун қилинган иш эди. Шу вақт мобайнида сени текширдик, синадик. Мотам куни, Исён, фариштадарнинг разиллиги, тахт турган хонага менинг ташрифим, тўр ва, ниҳоят Флумар. Буларнинг ҳаммаси сени синаш ва иродангни мустаҳкамлаш учун хизмат қилди. Энди бўлса, эй Жаброил, Шоҳ ҳам, У билан бирга, мен ҳам сени муборакбод этамиз! Сен содик экансан!

Ўйлашимча, Люцифернинг барча ҳийла—



найранглари, барча макрлари ва ҳар бир ёл-  
гонлари менга маълумдай туюларди. Унинг  
ҳамма мақсадлари менга олдиндан маълум  
деб ўйлардим, бироқ мен хато ўйлаган экан-  
ман. Бундай бўлиши менинг хаёлимга ҳам  
асло келмаган. Эҳ, у нақадар маккор-а! Унинг  
сўзлари ниҳоятда самимийдай жарангларди!

— НАҲОТКИ СЕН ЧИНДАН ҲАМ  
МЕНИ ХУДОГА ҚАРШИ  
ЧИҚИШИМ МУМКИН  
ДЕБ ЎЙЛАСАНГ? — сўради у.  
— ҲАР ҚАНДАЙ ҲАҚИҚАТНИНГ  
ОТАСИГА ҚАРШИ?  
ҚЎЙСАНГ-ЧИ! АХИР, МЕН  
УНИ ЯХШИ КЎРАМАН-КУ!



Унинг овози самимий ва чуқур ҳис-туйғу билан бурканган эди.

— У мени яратди. У менга эркин хоҳиш-иродани инъом қилди. Шу вақт мобайнида мен Унга узоқдан туриб итоат қилишга мажбур бўлдим, токи сен синовдан ўта олишинг учун. Энди бўлса дўстим, Ота томонидан белгиланган синовдан сен иззат-ҳурмат билан ўтдинг. Менинг самоларга қилган ташрифимга сен гувоҳ бўлишинг Унга яна нима учун керак бўлиши мумкин? Ҳаммаси олдиндан тайёрлаб қўйилган режа бўйича борди-ку. Бу режани сенинг садоқатингни синаш учун Худонинг Ўзи маҳорат билан ўйлаб топди.

Люцифернинг сўзлари узоқ безовталик ила қалбимга таъсир кўрсатди. Қўлларим шалпайиб тушди, қўлларим билан бирга қилич ва қалқоним ҳам. Менинг миямда узуқ-юлуқ фикрлар лип-лип этиб ўтиб туради. *Бу нимаси? Бу қандай кучэкан? У — ёвузлик эканлигини мен биламан, бироқ мен заифлашаётганимни*



ҳис қилмоқдаман. Мен бир вақтнинг ўзида унга нисбатан севги ва нафрат, ишонч ва жирканч ҳис-туйгуларини бошимдан ўтказмоқдаман. Мен Эгус ва Парамонга қарап учун ўгирилдим. Уларнинг ҳам қуроллари пастга туширилган, юзларидаги акс этаётган шафқатсизлик белгиси эса – улар ёлғончининг сўзларига ишонишлари жараёнида тобора юмшаб борарди. Уларнинг орқасида турган қўшинларимизнинг сафи тобора сийраклашиб борарди, қиличларининг ярқираши ҳам борган сари хиралашарди. Ҳайратда қоладиган ҳодиса! Атиги бир неча оғиз сўз билан Люцифер танланган аскарлар легионини жиловлаб қўйди-я! *Наҳотки бу рост бўлса?* Унинг кўриниши худди *Ота сингари*, сўзлари ҳам *Отанинг сўзлари* каби жарангдор ва маънили... Биз ҳаммамиз ҳам аста-секин унинг таъсирига берилаётган эдик.

Ҳамма, фақат биттасидан ташқари. Узоқроқда мен Софиони кўриб қолдим. Унинг кўз-



лари Люциферга қаратилган эмасди, унинг нигоҳи осмонга қаратилган эди. Мен тобора кучайиб бораётган Софионинг овозини, боргандар сари янада баландроқ айтаётган сўзларини мен эшиздим:

— НА ЎЛИМ, НА ҲАЁТ, НА ФАРИШТАЛАР,  
НА ИБЛИСЛАР, НА ҲОЗИР, ВА НА КЕЛАЖАК,  
ҲЕЧ ҚАНДАЙ КУЧ, ҲЕЧ ҚАНДАЙ  
БАЛАНДЛИК ЁКИ ЖАРЛИК,  
**ЯРАТИЛГАНЛАРНИНГ**  
ҲЕЧ ҚАЙСИСИ  
**ХУДОНИНГ**  
**СЕВГИСИДАН**  
**БИЗНИ АЖРАТА ОЛМАЙДИ!**



Софионинг ибодати ёруғликнинг шуъласидай самоларга интилди. Мен тепага қарадим, шу ёруғлик устунининг тепасида турган Отани кўрдим. Унинг қудратининг ягона қараши барча шубҳа-гумонларни тарқатиб юборишига кифоя қиласди. Мен шиддат билан қаддимни ростлаб, қалқонимни кўтардим. Софионинг ибодат қилаётганини Люцифер биринчи бор кўриши эди. Унинг юзидағи табассум йўқолди, лекин ироданинг кучи билан яна ўзини жилмайишга мажбур қилди.

Энди душман тезроқ гапиради, унинг овозида қулоқни қоматга келтирадиган аввалги оҳанг янграй бошлади.

— Жаброил, Ота бизни кутмоқда. Кел, Унинг ғалабасини нишонлаш учун мана шу идишчани чилпарчин қилиб синдириб ташлайлик. Кел, Унинг ҳузурига хурсандчилик билан қайтайлик. Сенга юклangan топшириқни бажардинг. Сен тақдирланасан — сенга худди меникидай тахт инъом қилинади. Сен Худо сингари бўласан!



Агар ибليسнинг бирор кичик имконияти бўлган бўлса ҳам, у ҳозироқ бу имкониятни қўлдан бой берди.

— Ёлғончи! — хитоб қилдим мен. — Мен бу сўзларни ва бу ваъдаларни эшитганман. Бу — ёлғон, сен эса ёлғоннинг отасисан. Сен ўлакса, сасияпсан! Дўзахга даф бўл!

Гарчанд менинг қиличим Люциферни тўхта-та олмаса ҳам, барибир қиличимни кўтардим.

— Қодир Худо, бизни қутқар! — деб илтижо қилган эдим, У бизни қутқарди.

Менинг қиличим шундай товланардики, олдин ҳеч қачон бунчалик порламаган. Қиличимдан тараалаётган нур шунақанги ёруғ эдики, Люцифер кафтлари билан кўзларини тўсиб олди ва қарғаниб кетди.

Мен билан бирга бўлган фаришталарга қарадим, улар яна жангга тайёр турадилар. Уларга нисбатан ишлатилган сеҳр-жоду сўнди, уларга олдинги куч-ғайрат қайтди. Душманни йўқ қилишга тайёр турган қиличлар



юқорига күтарилигдан эди. Қилич нурлари борган сари күчлироқ порлаб борарди. Бундай нурлардан мавжудотнинг асл башараси — мен Отанинг тахти турган хонада учратган ўша башара яққол намоён бўлди. Қолган фаришталар ҳам буни кўришиди. Қолаверса, бу сафар бошидаги қалпоқ орқага туширилган эди, фақат суюкка эт қопланган калла кўриниши билан кўм-кўк осмоннинг жозибали тасвирини булғарди.

Мен иблиснинг нақ юрагига қиличимни санчдим. Худди шу дақиқада унинг орқа томонидан Эгус қилич суқди. Иккимизнинг қиличларимиз иблиснинг кўкрагида бирбири билан тўқнашганда, самовий аланга чақнади. Иблис бўлса қаттиқ оғриқдан қичқирав, илон каби тўлғонарди. Душманнинг ичидан ёлғизлик, нафрат ва қўрқувнинг аччиқ ҳайқириги отилиб чиқди.

Люцифер сўнгги кучларини йиғди ва бўйнимга осилиб турган шишаҷани юлиб



олиш мақсадида менга ҳамла қилди. Бефойда уриниш. Парагоннинг қиличи душманнинг узатилган қўлини чопиб ташлади, қўл қаергадир зим-зиё қоронғуликда йўқ бўлди. Бир зумда ҳамма ёқни қўланса ҳид босиб кетди. Биз юзимизни қалқон билан ёпиб олишга мажбур бўлдик. Иблис орқага қалқиди, боши лиқиллаб осилиб турарди, Люцифернинг афти-башараси оғриқдан бужмайди. Қулоққа ёқадиган ва эркалатадиган овоз бир лаҳзада заҳарли илоннинг вишиллашига айланди.

— Мен ҳали қайтиб келаман,—деб онт ичди Люцифер, — албатта, ўч олиш учун қайтаман.

Софиро нафрат туйғуси билан бошини қимирлатди.

— **НУР ФАРИШТАСИННИГ ҚИЁФАСИНИ ОЛМОҚЧИ БЎЛДИ,**— деди у секингина.



Ибليس қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тез кўздан ғойиб бўлди. Ўшанда бутун фаришталар қўшини бадбўй ҳид уларни тарқ этаётгандигини ҳис қилишди.

— Муқаддас, муқаддас, Сарвари Оlam Раббий муқаддас!

— Шоҳларнинг Шоҳи ва ҳукмдорларнинг Раббийси муқаддас!

Бизнинг ҳамду саноларимиз Отага етиб борди. Шунда Ота менга мурожаат қилиб гапирди. У менинг ёнгинамда туриб гапираётгандай туюлди. Мен унинг овозини аниқ эшиздим.

— Жаброил, боргин-да, Марямга айт.

Ҳамду санолар ва мақтovлар тўлқини оқимида бу сафар ўзим учиб кетдим. Каттакатта айланаларни ортда қолдириб, мен астасекин булутлар ичра ерга яқинлашиб борардим. Менинг пастимда Маряннинг она шахри жойлашган эди. Ота тўғри айтган экан — мен Марямни осонгина таниб олдим. Унинг юраги беғубор, ғам босмаган, пок,



қалби эса — мен шу вақтгача кўриб келган тоза қалбли инсонларнинг энг тозаси эди.

Мен пастга тушиб, унинг орқасига турдим.

— Марям! — деб чақирдим мен уни се-кингина қўрқитиб юбормаслик учун.

Марям ўгирилиб қаради, лекин ҳеч кимни кўрмади. Ҳа, мен унинг қўзига ҳалигача кўринмаслигимни эсладим. Мен қанотларимни қоқдим ва инсон қиёфасига кирдим. Ёруғликдан кўзлари қамашган қиз юзини қўллари билан беркитганича, эшик томон йўл олди.

— Кўрқма, — дедим мен.

Мен шундай дейишим биланоқ, қиз нигоҳини осмонга қаратди. Мен эса яна лол қолдим.

Мен Отанинг донолигидан Унга шукроналар айтдим. Маряннинг юраги соф, бегуноҳ ва очиқ эди.

— Салом, эй Худо ёрлақаган, — давом этдим мен. — Худованд сен билан.

Унинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди, у



саросимага тушиб, қочиб кетиш учун орқасига қайрилди.

— Марям, қўрқма, сен Худодан иноят топдинг. Мана, сен ҳомиладор бўлиб, ўғил туғажаксан ва Унинг исмини Исо қўюрсан. У улуғ бўлгай, Худойи Таолонинг Ўғли деб ном олгай. Худойи Таоло Унга отаси Довуднинг тахтини бергай. У Ёкуб хонадони узра абадий подшоҳлик қилур ва бу подшоҳликнинг чеки бўлмагай.

Марям менинг гапларимни тинглади, бироқ ҳеч нарсани тушунмай мендан сўради:

— Бу қандай юз беради? Ахир, мен ҳали эр кўрмаган бокира қиз бўлсам...

Мен жавоб беришдан олдин самоларга қарадим. Ота тик турганча, менга Ўз марҳаматларини берарди.

Мен гапимни давом эттирдим:

— Муқаддас Рух сенинг устингга тушиб келади, Худойи Таолонинг қудрати сени қоплайди. Шу сабабли сендан туғилажак муқад-



дас бола Худонинг Ўғли дейилур. Зеро, Худонинг бирон каломи пучга чиқмас.

Марям менга қаради, сўнг ўз нигоҳини яна самоларга қаратди. У узоқ вақт шундай турди. Қиз шунчалик самоларга узоқ тикилдики, мен ҳам юқорига қарадим. Марям Худонинг фаришталарини кўрдимикан? У самолардаги туйнукни англай олдимикан? Бу менга номаълум. Лекин мен нигоҳларимни тушириб унга қараганимда, у жилмайиб турарди.

— Ҳа, мен энди тушундим. Мана, мен Худованднинг бандасиман, Унга хизмат қилишга тайёрман. Менга сенинг айтганларинг келсин.

Марям шу сўзларни айтиши биланоқ, унинг қорнида нур порлади. Мен дарров бўйнимда осилиб турган шишачага қарадим. Шишача бўм-бўш эди.



Ю

суф эшакни йўлнинг четига олиб чиқди, чарчаганидан кафти билан пешонасидаги терни артди.

— Кел, тунаб қолиш учун бирор жой топайлик, чунки қоронғу тушгунча Байтлаҳмга етиб бора олмаймиз.

Маряム жавоб бермади. Юсуф эшакни айланниб ўтди ва хотинига қаради. У ухлаб қолган эди! Боши кўкрагига эгилган, қўлларини қорнининг устига қўйиб олган. Эшакнинг устида қандай ухлаб қолди экан-а?



Бирдан у бошини кўтарди, унинг кўзлари очилди.

— Биз етиб келдикми?

— Йўқ, — жилмайди эр, — ҳали яна бир неча соат йўл босишимиз керак. Қара, ҳов ана, олдимизда мусофирихона бор экан. Эҳтимол, ўша ерда тунаб қолармиз?

— Оҳ, Юсуф, ўйлашимча, биз барибир, Байтлаҳмга етиб боришимиз керак, — деди Марям. — Балки, бироз дам олсак яхши бўлармиди...

Юсуф нафасини ростлади, хотинининг қўлини сиқди ва эшагини етаклаганича унча узоқ бўлмаган, оддийгина кўринишдаги бино томон йўл олди.

— Бу ерда одам жуда кўп, — эътиroz билдириди Юсуф Маряннинг ерга тушишига ёрдам берар экан. Улар иккиси ўтириб дам олишлари учун жой ахтаришди. Шунга ҳам бир неча дақиқа вақт кетди.

— Марям, сен шу ерда ўтириб тургин.



Мен бирор егулик олиб келай, тез келаман.

Юсуф оломон ичига кирди ва одамларни итариб-итариб олдинга ўта бошлади. Бир ўгирилиб қараса, Марямнинг ёнидаги ўзининг жойига қандайдир аёл ўтиromoқчи бўлиб турган экан. Марям аввалига эътиroz билдиromoқчи бўлди, лекин кейин бунинг ўрнига жилмайди. Юсуф иккисининг бир-бирига қўзи тушгач, Марям елкасини қисди.

— *Марям дунёда топилмайдиган асл аёлда...* — деди ўзига ўзи Юсуф.

Сўнгги ойлар давомида ниҳоятда ажойиб, ақлга сифмайдиган ҳодисалар у билан юз берарди. Аммо шу вақт мобайнода Юсуф бир нарсага қатъий ишонарди — ўз хотинининг юрагига. У ҳеч қачон хотинига ўхшаган зотни учратмаган. Марям унга намоён бўлган фаришта ҳақида сўзлаб берди. Нима ҳам дердим, эҳтимол, қўшни болалар унга ҳазил қилишгандир. Лекин Юсуфнинг тушида келган фаришта-чи? Эҳтимол, бу Худодандир...



ёки бўлмаса, кечки овқатда кўпроқ ичиб юборган майдандир. Ёки бўлмаса унинг амакиси Закариё билан юз берган воқеа-чи? То хотини туғмагунча, у гапира олмагани-чи? Балки, у томогини шамоллатиб қўйгандир?

Лекин бокира қиз бўла туриб, хотинининг ҳомиладор бўлиб қолганлиги ҳақидаги ўзининг ҳикояси-чи? Марям ҳеч қачон ёлғон гапирмаган. У фариштадай пок! Марям ўзини бокира қиз дедими, демак, у — бокира қиз. Унинг айтиши бўйича, қорнида кўтариб юрган бола — Худонинг Ўғли... Нима ҳам дердик, ўғил Отасига ўхشاшига умид қиласиз.

Юзлари юмалоқдан келган, паст бўйли Марямни гўзал деб бўлмасди. Ҳали ҳомиладор бўлмасдан олдин ҳам у тўлачадан келган қиз эди. Унинг кўзлари доимо порлаб турарди, юраги эса Ўрта Ер денгизидан ҳам катта эди. У доимо жилмайиб турарди, юзи эса ажойиб бир ҳазил қилмоқчи бўлган одамнинг юз ифодасини эслатарди. Мана шу-



нинг учун ҳам у бутун оламда ҳеч кимга ўхшамаган ягона қиз эди. Марям ўрнидан турди ва ёнида ўтирган аёлнинг эрига ўз жойини бўшатиб бераётганлигини кўрган Юсуф бош чайқади.

Эркак эндиғина эътиroz билдиrmоқчи эди, Марям барибир ўрнидан турди—да, ҳеч қандай эътиrozни қабул қилмай, эркакни ўтиргизиб қўйди.

— Мен озгина тик туриб, оёғимнинг чигалини ёзиб олишим керак,— деди у ва одамларнинг орасини ёриб ўтиб, қийинчилик билан Юсуф томон юрди.

Албатта, Маряннинг ой-куни етгунча, улар Носирада бўлишади, ҳеч бўлмаганда, у ерда уларнинг қариндошлари бор. Байтлаҳмда эса улар ҳеч кимни танишмас эди.

Юсуф хотинининг қўлтиғидан ушлади, иккови деворга суюнишди.

— У ёқقا етиб боришимизга сенинг ишончининг комилми?



Марям бошини қимирлатиб “ҳа” дегандай бўлди. Улар одамлардан кечирим сўраб, олони итариб-сурниб эшик олдига етиб боришиди.

— Менга бир қултум сув бўлса кифоя, — деб илтимос қилди Марям.

— Яхши, ҳозир олиб келаман. Сен шу ерда кутиб тур.

Юсуф қудук олдига бориб навбатда туриб, пойлагунча, Марям дараҳтга суюнди. Юсуф олдида турган эркак билан гаплаша бошлади. Буни кўрган Марям жилмайди. Юсуф орқага ўша эркак билан қайтди.

— Марям, бу Симон. У ҳам Байтлаҳмга кетаётган экан. Унинг хўқизга қўшилган араваси бор экан. У бизни элтиб қўйишни таклиф қилди.

— Раҳмат, сиз нақадар олийжаноб экансиз.

Симон жилмайди:

— Э қўйсангиз-чи, йўловчилар билан бирга кетишдан мен жуда хурсандман. Эшагин-



гизни менинг аравамнинг орқасига боғлаб қўйинг.

— Кечирасизлар, сизлар Байтлаҳмга кетаётганликларингизни тўсатдан мен эшитиб қолдим. Мен учун ҳам битта жой топиладими?

Бу гапларни узун соқолли мўйсафид бир чол айтди. У қўринишидан раввинга ўхшаб кетарди. Симон розилик билдириди, уларга қўшилишни таклиф қилди.

Марямни аравага ўтиргизиб қўйиб, Юсуф раввиннинг ўтиришига ёрдам бериш учун унга ўгирилди.

— Кечирасиз, сизнинг исмингиз нима?

— Жаброил, — деб жавоб бердим мен ва Маряннинг рўпарасига ўтирдим.







гус Симоннинг аравасининг олдидা, Парагон эса араванинг орқа томонида учиб боришарди. Иккисининг ҳам қанотлари катта очилган, қиличлари ҳам юқорига кўтарилган бўлиб, сергак ҳолда учишарди. Олдинига мусоғирхонагача мен улар билан бирга учдим, лекин ушбу аравада менга нимадир шубҳали кўринди. Мен одам қиёфасига кириб аравадаги йўловчиларга қўшилдим. Ёшгина савдогар қиёфасини танламаганимдан мен



шу заҳоти афсусланиб кетдим, чунки ниҳоятда соқолим қичишаётган эди.

Менинг аскарларимга огоҳ бўлишни эслатишнинг ҳожати йўқ эди, аммо мен барибир яна бир бор такрорладим:

— ИБЛИС ИММАНУИЛНИНГ  
ТУҒИЛИШИНИ СИРА ХОҲЛАМАЙДИ.  
ҲАММА ҲУШЁР БЎЛИБ ТУРСИН!

Кўринмас девор, ўн икки мудофаа қўшини — фаришталар аравани ўраб олишди. Мен соқолимни силадим ва билинар-билинмас жилмайиб кўйдим. Симон кўзлари бойланган ҳолда аравани шундай маҳорат билан бошқариш қўлидан келади. Ҳеч қачон бу дунёда унинг араваси йўлдан қайтмаган.

Йўл аравалар билан тўлиб-тошган, шунинг учун ҳам биз ниҳоятда секин — яёв кетаётган йўловчилардан ҳам орқада қолиб судралиб бо-



пардик. Ҳар ҳолда энди Марям бироз дам олишига имконият туғилди. У күзини юмди ва бошини араванинг суюнчиғига қўйди. Унинг қорнидан нур порлаётганини мен кўрдим. Нур унинг ичида покловчи ва шифо бे-рувчи олов сингари порлаб яшнарди. Гарчанд У ҳали туғилмаган бўлса ҳам мен Унга таъзим қилдим. Менинг юрагим Ундан шодланарди ва Унга ҳамду санолар айтарди. Марям Унинг қимирлаганини ҳис этганда, мен жилмайдим. Менинг аскарларим бу ҳамду саноларни эши-тишди ва шукроналарга жўр бўлишди.

Тахминан бир соатлардан кейин душман шу ерда эканлигини мен ҳис қилдим. Ёвузлик. Менинг бутун баданим тиришиб кетди. Душман шу ерда, ёнгинамиизда, йўлда бизга яқин кетаётганинги мен сезардим. Ёвузлик юриб бораётган одамларнинг орасида дам пайдо бўларди, дам йўқолиб қоларди. Мен фаришталарни огоҳлантиридим:

— Тайёрланинг!



Софио аравага яқинлашиб учиб келди ва менга пичирлаб деди:

— У ютиб юбормоқчи бўлган шердай ўз ўлжасини қидириб, изғиб юрибди.

Мен Софионинг гапларини маъқулладим ва бир оғиз сўз айтмай бошимни қимирлатдим. Араванинг ёнида кетаётган одамларнинг юзларига тикилиб қараб, уларни кузатардим.

Бизга ёшгина бир йигит яқинлашди. У Марямга юзланди:

— Сиз жуда чарчаган кўринасиз. Сув ичишни хоҳламайсизми?

— Раҳмат, — жавоб берди Марям ва чанқоғини қондириш ниятида уна узатилган мешдаги сувни олишга ҳаракат қилди. Мен дик этиб ўрнимдан турдим ва тасодифан қилгандай, иблиснинг қўлини итариб юбордим. Мешдаги сув ерга тушиб тўкилиб кетди. Мен Марям ва Юсуфдан кечирим сўрадим. Унга аталган сўзларни иблис қиёфасидаги фақат



ўша ёш йигитнинг ўзи эшитиши мумкин  
эди:

— ЭЙ СЕН, ДЎЗАХДАН ЧИҚҚАН БАЛО!  
бу **ХУДОНИНГ**  
**ҚИЗИГА** қўл ТЕККИЗМА!

Иблис ўзининг асл қиёфасига кирди ва  
қиличини суғурди.

— Жаброил, энди ғалаба қозонишга сенинг  
ҳеч қандай имкониятинг йўқ! — деб хитоб қил-  
ди иблис. Бирдан ҳар томондан ўндан ортиқ  
иблислар пайдо бўлиб, Марямни ўраб олишга  
интилишди.

— Юсуф! — деб бақирди Марям қорнини  
ушлаганча. Оғриқдан унинг юзи буришди. —  
Менга нимадир бўляпти. Нимадир қорнимга  
қаттиқ урилаётганини ҳис қиляпман! Вой-  
вой! Бу... бу шундай оғритмоқдаки!



Мен дарҳол фаришта образига кирдим ва душман қиличларининг йўлини тўсиб, Марямни қучоқлаб олдим. Душман қиличлари менга урилаётганлигини ҳис қиласардим, лекин Марям ҳимоя қилинган эди. Иблисларнинг орасида мен Парамонни ва еттига фариштани кўрдим. Улар иблисларга чапдан ва ўнгдан ҳужум қилишар эди. Бу, бироз бўлса-да, иблисларни чалғитди, лекин душман ҳануз Марямга етишишга обдон интиларди.

Арава чайқала бошлади. Йўловчилар саросимага тушишди. Мен бақириқ овозини эшийтдим. Үгирилиб қарадим ва Симон томоғини ушлаб олганини кўрдим. Унинг юзлари қизариб кетган, кўзлари эса чақчайган. Унинг бўйинин шайтоннинг ингичка, узун бармоқлари ўраб бўғиб олган. Бошқа ажина эса ҳўқизни миниб олган ва бечора жониворни уриб, четга сакраб чиқишга мажбур қиласарди.

Оломон ичидан кимдир бақирди:



## — АРАВАНИ ТҮХТАТИНГЛАР! ОЛДИНДА ЖАРЛИК!

Бир довюрак йигит ҳўқизнинг жиловини ушлаб қолмоқчи бўлиб арава томон интилди. Лекин бирдан тўхтаб, жойида қоққан қозиқдай тўхтаб қолди. Кейинроқ йигитнинг айтишига қараганда, у қўрқувдан қимирламай қолибди. Лекин нима юз берганини мен аниқ биламан: иблислардан бири йигитни тўрга ўраб, ерга қоқиб қўйган.

Симон нафас олиш мақсадида оғзини очди ва ёнига йиқила бошлади. У бўғилиб ўлаётганини мен тушундим. Қутурган ҳўқиз жуда катта тезликда аравани жарлик томон олиб қочарди. Мен Марямга қарадим. Юсуф унинг елкасидан қучиб олган, Марям бўлса қорнини ушлаб олганча саросимада эди. Бир неча лаҳзадан сўнг биз жарликдан пастга — жуда узокда бўлган водийга қулашимизни мен билиб турадим. Аравакаш ўлган,



аравани сира бошқарыб бўлмасди. Мен ўгирилиб, бизга ёрдам бера оладиган Ўша Ягона Зотга илтижо қилдим.

У Марямнинг қорнидан гапирди. Ота-онага Унинг овозини эшитиш имкони берилмаган. У айтган сўз Марям ёки Юсуфнинг қулоқлари-га мўлжалланмаган. Фақат самовий ва дўзахнинг қўшини бу сўзни эшита олади. Ва улар шу сўзни эшитганларида, ҳамма қотиб қолди.

## — X A Ё T!

Бу амр кучли тўлқин ила кўтарилиб келиб аравани босиб олди ва тўлдириб юборди. Қачонлардир ундей амр Адан боғини тўлдирган эди. Иблислар қўрқувдан каламушлар сингари тумтарақай бўлиб, ҳар томонга қоча бошлишиди.

— X A Ё T! — яна жаранглади иккинчи бор.



Ҳаво Симоннинг ўпкасини тўлдирганда, у йўталиб ўзига келди.

— Жиловни ушла! — ҳитоб қилдим мен.

Симон бақирди, ҳўқизнинг жиловини ушлаб ўзига тортганча, қаддини ростлади. Унинг кўзи тўла ёш. Аммо шунга қарамасдан, у йўлнинг четини кўра олди, беихтиёр равишда тезлик билан жиловни ўзига тортди ва шу йўсинда ҳўқизни тўхташга мажбур қилди. Хавф-хатар ортда қолди.

Бироқ иблислар қочиб кетганликларига қарамасдан, мен таваккал қилмоқчи эмасман. Мен Софиони чақирдим ва унга шошилинч равишда фармойиш бердим:

— Иблислар Марямни йўлда топиб олишдими, демак, мусофириxonада ҳам уларнинг хонасини топа оладилар. Бу воқеа юз бермаслиги керак!

Софир менинг гапларимни дарҳол тушунди ва Байтлаҳмда жойлашган мусофирихонага учиб кетди.



Марям ҳануз нур қатламининг ҳимоясида эди. Юсуф хавотирлик билан унга қаради, Марям бўлса бизнинг ҳимоямиз остида бўлганлиги учун аллақачон тинчланган эди.

— Мен анча яхшиман, — деди Марям. — Ие-е! Биз билан бирга бораётган раввин қаерда қолди экан?





аҳотки сизнинг бирорта бўш хонангиз бўлмаса? — деб ёлвориб сўради Юсуф.

— Хоналар бор эди. Бўш хоналар жуда кўп эди! Дарҳақиқат, сизлар келмасингиздан озгина олдин бу ерга катта бир гурух одамлар келишди-да, барча хоналарни, ҳамма ўринларни битта қолдирмай эгаллаб олишди! Сиз билан хотинингизга менда ҳеч қандай жой йўқ.

Юсуф иложи борича бардошли бўлишга



ҳаракат қилди, бироқ борган сари аста-секин тишиларини гичирлатиб, аччиғи чиқа бошлади. Юсуф олдинга бир неча қадам ташлади ва мусофирихона хўжайини билан юзма-юз тўқнашди. Уларнинг ўртасидаги масофа атиги бир неча сантиметрни ташкил этарди.

— Аравада ўтирган ҳомиладор аёлни кўряпсизми? — сўради Юсуф ғижиниб. — Бу менинг хотиним. Ҳар дақиқада у туғиб қолиши мумкин. Биз бугун кундузи аравада бу ёқقا келаётганимда, у туғиб қўйишига сал қолди. Ҳозир ҳам уни тўлғоқ азоби қийнамоқда. Сиз уни ҳозир шу оstonада туғишини хоҳлайсизми??

— Йўқ, албатта йўқ. Лекин мен сизга ҳеч қандай ёрдам бера олмайман. Сиз ҳам мени тушнинг, мусофирихонада биронта жой қолмади...

— Хўп, мен бу гапларингизни бир неча бор эшийтдим. Ҳозир кечкириб қолди, кўча совуқ. Наҳотки сиз бир кеча иссиқ жойда тунаб қолиш учун бирор иложини топа олмасангиз?

Хўжайн хўрсинди, олдин Марямга, кейин



эса Юсуфга қаради. У ичкарига кириб кетди  
ва қўлида мойчироқ кўтариб чиқди.

— Уйнинг орқасида пастга олиб боради-  
ган сўқмоқ бор. Шу сўқмоқдан борсаларингиз,  
қўрага дуч келасизлар. Кўра топ–тоза, ҳар ҳол-  
да қўра деб аталиш учун покиза, — деди  
елкасини қисиб мусофирихона хўжайини.  
Сўнгра қўшиб қўйди: — Бунинг устига қўра  
анчагина иссиқ.

Юсуф қулоқларига ишонмасди:  
— НИМА? СИЗ БИЗНИ ҚЎРАДА  
ТУНАШИМИЗНИ ХОҲЛАЯПСИЗМИ?

— Юсуф! — янгради Марямнинг овози. Аёл  
эрининг мусофирихона хўжайини билан бўлган  
сухбатини бошидан охиригача эшлиб турар-  
ди. Юсуф қайрилиб унга қаради. Марям жил-  
майиб турарди. Юсуф хотинининг бундай  
жилмайиши нимани англатишини яхши би-  
ларди: бўлди, баҳслашишнинг ҳожати йўқ.



Юсуф чуқур нафас олди.

— Хўп, шунга ҳам раҳмат, — деб розилик билдириди у ва мойчироқни олди.

— Таажжуб, — деди мусоғирхонанинг хўжайини Марям ва Юсуф кетганларидан кейин. У қайрилиб хотинига қаради ва сўради: — Ҳамма хоналаримизни банд қилиб олган одамнинг исми нима экан?

Аёл ижарага турувчиларни қайд қиласидиган дафтарни очди ва қаради. Кейин шундай деди:

— Галати исм: Софио. Эҳтимол, қандайдир юонон бўлса керак.

Биз қўрани ялтираб турган ёруғ нур ҳалқаси билан ўраб олдик. Ҳамма фаришталар ўша ерга тўпланган эдик, ҳаттоқи Микоил ҳам биз билан бирга эди. Худо Ўзининг берган ваъдасини бажаришига ҳеч ким шубҳаланмас эди, бироқ айнан қандай қилиб У буни амалга оширишини ҳеч ким билмас эди.

— Мен сув иситиб қўйдим!

— Юсуф, нега бунча бақириб гапирасиз?



Мен сизни жуда яхши эшитяпман.

Юсуф пичирлаб гапирганда ҳам Марям уни бамалол эшита оларди. Қўра Юсуф тасаввур қилгандан ҳам кичкина экан. Аммо мусо-фирхона хўжайини тўғри гапирган экан — бу ер анчагина тоза ва озода экан. Мен қўрадаги мол-қўйларни кўчага ҳайдаб чиқараётган эдим, бироқ Микоил мени тўхтатиб қолди:

— БУТУН МАВЖУДОТ  
БУНИ КЎРИШИ КЕРАКЛИГИНИ  
ОТА ХОХЛАЙДИ.

Марям қаттиқ бақирди. Бир қўли билан у Юсуфни ушлади ва иккинчи қўли билан эса похол солинган охурни маҳкам чангллаб олди. Кучли тўлғоқ уни сал кўтарилишга, сўнгра олдинга эгилишга мажбур қилди.

— Марям, нима, сен туғяпсанми? — сўради Юсуф.



Аёл ҳеч нарса демай эрига қаради, лекин Юсуф ҳаммасини тушунди.

Бир неча дақиқадан кейин ҳамма орзиқиб Кутган туғилди. Шундай қувончли воқеада эрхотиннинг ёнида, фақат Микоилдан кейин туриш менга насиб этганидан ўзимни баҳтли, деб ҳисоблайман. Биз иккимиз ҳам Чақалоқнинг бужмайган юзига қараб турардик. Юсуф охурга хашак солди-да, Исонинг биринчи каравоти ҳисобланмиш охурга Уни ётқизиб қўйди.

Чақалоқ худди Отасининг Ўзи эди. Унинг юз ва қўлидан нур таралиб турарди. Шоҳнинг тахти турган хонада мен кўрган ўша шоншухрат эндиликда Унинг эти узра порларди.

Мен қўшиқ айтишим кераклигини тушундим, лекин айнан қайси бирини куйлашимни билмасдим. Бизда муносиб қўшиқ, мувофиқ сўзлар йўқ. Биз олдин ҳеч қачон Худони чақалоқ қиёфасида кўрган эмасмиз. Худо юлдузларни яратётганда, бизнинг ҳамду сано сўзларимиз бутун олам узра уйғунлашиб янгар-



ди. У Ўзининг хизматкорларини қутқараётганда, бизнинг овозларимиз Унинг шонуҳратини қўйлади. Унинг тахти олдида Худога аталган мадҳияларимизнинг охири йўқ эди. Бироқ ҳайвонларнинг охурида ётган Худога қандай ҳамду санолар айтиш мумкин?

Шу вазиятда мўъжиза юз берди. Биз чақалоқ Исога қараб турганимизда, бизнинг кўринмаслик пардамиз тўсатдан очила бошлади. Фаришталар легионларига марҳамат ёғила бошлади.

Онгимиз ўзимиз олдин билмаган ҳақиқатга тўлди. Отанинг ниятлари бизга илк бор маълум бўлди — Унинг исмини кўтариб юрганларни қутқариш эди. Нима юз бериши кераклигини У бизга очиб берди. Бир вақтнинг ўзида фаришталарнинг ҳар бири таажжуб ва қўрқув билан ўз нигоҳларини Чақалоққа, тўғрироғи, михланиши керак бўлган қўлларига қаратишиди.

— Бу қўлларга мих қоқилаётганда, — деди Худо бизга, — сиз Уни қутқармайсиз. Сиз буни кўрасиз, сиз буни эшитасиз, сиз Уни



қутқаришни хоҳлайсиз, бироқ сиз бундай қила олмайсиз.

Парагон ва Эгус менга қарашди, нигоҳларида, тушунтириб беринг, деган илтижо бор эди. Мен уларга нима ҳам дердим? *Мен ўз Шоҳимга хизмат қиласман, мен Унга қандай азоб бераётганликларини индамай томоша қилиб туришим керакми?* Мен Микоилга қарадим, унинг юзи азоб-уқубатдан қотиб қолган. Мен нима ҳис қилаётган бўлсам, у ҳам шуни ҳис қилаётганлигини тушундим. Биз эшитган амр ўзимиз учун ақлга сиғмайдиган эди.

— СЕН АЗОБ-УҚУБАТ

ЧЕКАЁТГАНИНГДА  
БИЗ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЖИМ  
ТУРИШИМИЗ ВА ҲАРАКАТ  
ҚИЛМАСЛИГИМИЗ мумкин?

— сўрадик биз бир овоздан.



Жавоб келмади.

Софио нимадир деб пичирлар эди. Мен унинг гапларини эшитиш учун унга яқинроқ сурилдим:

— Чақалоқ бизга берилган, Худо бизга Ўз Ўғлини инъом қилди. У Ўз халқини етаклайди. Унинг исми шундай аталади:

А Ж О Й И Б  
М А С Л А Ҳ А Т Ч И,  
Қ У Д Р А Т Л И Х У Д О,  
А Б А Д И Й О Т А В А Ҳ А Қ И Қ А Т,  
Т И Н Ч Л И К Ш А Ҳ З О Д А С И.

У одамларнинг гуноҳлари учун яраланади, инсонларнинг қилган ёвузликлари учун У азоб чекади. У жазо олгани туфайли одамлар



нажот топадилар. Унинг жароҳатларидан одамлар шифо топадилар.

Мен Шоҳнинг тахти турадиган хонада илк бор эшиитган гапларимни яна қайтадан тинглар эдим. Лекин бу сўзларнинг маъносини мен эндигина тушуна бошладим.

*Шундай қилиб, бу Ўша. Иммануил. У Худонинг одамларга берган инъомидир. Қутқарувчи. У Ўзининг одамларини гуноҳлардан құтқаради.*

— Худонинг Қўзиси ҳурматга сазовор, — деб пицирладим мен ўз Худоимга тиз чўкар эканман. Ҳис-туйғулар менинг юрагимни тўлдириган эди. Мен Чақалоқни тебратаетган Марямга қарадим ва гапира бошладим. У мени эшита олмасди, қолаверса, бу ҳеч қандай маънога ҳам эга эмасди. Мени самодаги юлдузлар эшитишди. Худо яратган барча жонзот менинг сўзларимни тинглади. Ва энг муҳими, Шоҳим мени эшиитди.

— Марям, сен қўлларингда Кимни кўтариб



турганингни биласанми? Сенинг қўлларингда ётган ҳузур-ҳаловат ҳадя Қилувчидир. Абадий Ҳақиқат деб аталувчи Ўша Зот, ҳозирда Ўз ҳаётининг илк лаҳзаларини бошдан ўтказмоқда. Чексиз деб ном олган Ўша Зот сенинг кўкрагингга ёпишиб, сут сўрмоқда. Юлдузлар орасида бемалол сайр қилиб юрадиган Ўша Зот, ҳозирда оддий бир қадам ташлашга ҳам ниҳоятда нимжон. Бутун океанлар сиғадиган қўллар, ҳозирда боланинг миттигина кафтлари эди, холос. Ҳеч қачон биронта савол бермаган Ўша Зотга, шамол қандай номланишини сен ўргатасан. Сенинг нутқингни Яратувчи — сендан сўзларни ўрганади. Ҳеч қандай тўсиқларга учрамаган Ўша Зотни сен қўлларингда қўтариб юрасан. Ҳеч қачон очликни ҳис қилмаган Ўша Зотни сен овқатлантирасан. Бутун жонзотнинг Шоҳи сенинг қўлларингда ётиби.

— Бу қандай севги бўлди? — пицирлади Микоил. Иззат-хурматда ва таажжубда яна



ҳамма сукунатга чўмди. Ва ниҳоят, Микоил яна оғзини очди, бу сафар қўшиқ айтиш учун. У жуда паст овозда, секин, ҳар бир сўзни дона–дона талаффуз қилиб куйлади:

— ХУДОГА ШОН,

ХУДОГА ШАРАФ,

БЎЛСИН ХУДОГА ШОН-ШАРАФ!

Микоилга биринма-кетин биз ҳам қўшила бошладик.

— ХУДОГА ШОН,

ХУДОГА ШАРАФ,

БЎЛСИН ХУДОГА ШОН-ШАРАФ!

Аста-секин бизнинг қўшиғимиз баландроқ, унинг сурати янада тезроқ янграй бошлади.



“Худога шон, Худога шараф, бўлсин Худога  
шон-шараф! Худога шон, Худога шараф,  
бўлсин Худога шон-шараф!”

Бизнинг ҳамду саномиз бутун дунё бўйлаб  
тараларди. Энг узоқ галактикаларда ҳам,  
энг узоқ сайёralарда ҳам, ҳатто ҳавога чанг  
ҳам унинг куйи туфайли кўтарилади ва  
мадҳиямизга мос равишда рақсга тушарди.  
Океанинг таг-тубидаги сув ҳам ҳамду сано-  
га варақлаб қайнарди. Энг митти мавжудот  
ҳам улкан юлдузлар буржи билан яқдилликда  
ва барча яратилганлар биз билан бирга

ИНСОН ҚИЁФАСИГА  
КИРГАН ХУДОНИ,

И М М А Н У И Л Н И

куйлаб, кўкларга кўтариарди.

# Х О Т И М А



изга таниш бўлган Мавлуд образлари: ухлаб ётган Чақалоқ, ҳайрон қолган чўпонлар, Исонинг тепасида муҳаббат ила Унга қараб турган Марям — бизга тинчлик ва ҳотиржамлик хиссини инъом қилиб, бизда илиқ, мулойим ва қувончили туйгуларни уйготади. Биз Мавлуд ҳақида Матто ва Луқо баён этган муқаддас Хушхабарларда ўқиганимизда, бу байрамни шундай тасаввур қиласмиз. Ваҳий Китобида эса Юҳанно бу воқеалар ўзгача нуқтаи назар билан қарашни бизга таклиф этади. Юҳаннонинг кўрсатиб беришича, Исонинг туғилиши бизда факатгина завқ ва шодлик туйгусини уйготмайди, балки фаол ҳаракат қилишни бошловчи ёвуз кучларнинг тасаввурини ҳам уйготади.

У самоларнинг пардасини кўтарар экан, руҳий оламда юз бераётган аёвсиз жангни тасвирлаб беради. Юҳанно тўлғок тутаётган аёлни кўради. Юҳанно Чақалоқни ўлдиришга тайёр турган аждаҳони кўради. Аёл — гўзал ва латофатли, аждаҳо — қабиҳ ва жирканч. Аждаҳо туғилган Чақалоқни ютиб юбориш учун кутиб туради, бироқ энди кеч — Чақалоқ онаси билан аллақачон бехавотир жойда. Юҳанно шундай ёзади: “Осмонда жанг бўлди. Микоил ва унинг Фаришталари аждаҳога қарши уришдилар. Аждаҳо ҳам ўзининг фаришталари билан урушга тушди” (Ваҳий 12:7).

“Осмонда жанг...” Мен ушбу жанг қаҷон бошланган, ким ва кимга қарши жанг қилган, ушбу жанг қандай маънога эга бўлган? “Фаришта айтиб берган воқеа” — ушбу масаладаги менинг фикрларимнинг самарасидир.

Ҳамкасларимдан кўпчилиги ушбу китобнинг яратилишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Мана улардан баъзи бирлари: Юджин Петерсон — ўзининг Ваҳий Китоби ҳақидаги ўйлар билан ўртоқлашган. Бу фикрлар “Reversed Thunder” (“Мамакалдироқ садоси”) номи билан чоп этилган. Филип Янси — 12 декабрь 1994 йил “Christianity Today” журналида чоп этилган “Cosmis Combat” (“Самовий жанг”)

мақоласи. Ушбу мақола баъзи бир ҳодиса ва воқеаларга янгича қарашим учун менга ёрдам берди. Мен, шунингдек, Дэйвид Ламберт, “Earthward, Earthward, Messenger Bright” номли ҳикоянинг муаллифи олдида ҳам қарздорман. 1982 йили декабрь ойининг сонида “Moody Monthly”да нашр этилган ушбу асар Мавлуд тарихига оид бўлган сўнгги, янги ижодий қарашларни ўзида намоён этган. Айнан шу асар “Фаришта айтиб берган воқеа” ҳикоясининг яратилишига мени руҳлантириди ва туртки бўлди.

Мен, шунингдек, Стив Гринга, Карен Хиллга, Лиз Хинейга ва “W Publishing Group” нашриётининг барча ажойиб колективига китобнинг яратилишидаги ёрдамлари учун ташаккуримни билдираман.

“Фаришта айтиб берган воқеа” — қайсиdir маънода менинг ижодий хаёлларим самарасидир. Қолган ҳамма нарсада у мутлақо ҳақиқатдир. Мен ёзган ҳикоя сизга ёқсанлиги ёки ёқмаганлиги унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас. Мен учун энг муҳими — ушбу ҳикоянинг асоси ҳисобланмиш ҳақиқатга сизнинг бўлган муносабатингиздир.

Масалан, Муқаддас Ёзувнинг ҳеч қаерида Масиҳнинг Илоҳий моҳияти жойлаштирилган идишча ҳақида айтиб ўтилмаган. Ёки бўлмаса, китобда тасвирланган Флумар исмли улкан иблисни ёки фаришта Софиони, қолаверса, баъзи бир персонажларни ва ҳодисаларни олайлик. Шунга карамай, Муқаддас Ёзув аниқ ва равшан қилиб шундай дейди:

«...ЧУНКИ БИЗНИНГ КУРАШИМИЗ  
ЎТКИНЧИ БАШАРГА ҚАРШИ ЭМАС, БАЛКИ  
САМОВИЙ ОЛАМДАГИ ЁВУЗ РУҲИЙ КУЧЛАРГА,  
ҲОКИМЛАРУ ҲОКИМИЯТЛАРГА, БУ ҚОРОНГИ  
ДУНЁНИ БОШҚАРАЁТГАН РУҲИЙ ҲУКМРОНЛАРГА  
ҚАРШИДИР».

Эф. 6:12

Муқаддас Китоб тўрга тушган фаришталар ҳақида ёки бўлмаса, иблис хушомад сўзлар билан Жаброилни қандай қилиб йўлдан оздирмоқчи бўлгани тўғрисида бизга ҳеч нарса демайди. Аммо Ёзувда аниқ қилиб айтилишича, иблис ҳақиқатдан ҳам мавжуд ва у фақат бир нарсага – ўзини Худойи Таоло қилиб кўрсатишга интилади (қаранг: Ишаё 14:14).

Худонинг ҳамма яратганлари икки лагерга бўлинган. Биттасида — Худога хизмат қилувчилар, бошқасида — шайтонга хизмат қиладиганлар. Шайтон имонсизларни бошқаради ва уларни ҳаракатлантиради (қаранг: Эф. 2:2), Худо эса — Унга ишонувчилар учун ҳаёт манбаидир (қаранг: Флп. 2:13). Имонлилар шайтоннинг борлигини эсдан чиқармасликлари лозим, бироқ ундан қўрқмасликлари керак. Иблис бирорни ютиб юбориш учун излаб, шердай бўкириб кезиб юрибди (қаранг: 1 Бут. 5:8), бироқ имонлилар қўрқмасликлари керак, чунки уларнинг ичидаги яшаётган Рух “хукм суроётган руҳдан устундир” (1 Юҳ. 4:4). Биз “иблиснинг ҳийалаларига қарши тура олишимиз учун, Худо берган барча курол-аслаҳалар билан қуролланишимиз керак” (Эф. 6:11) ва “шайтоннинг ўзи ҳам нурли Фариштанинг қиёфасини олишини” (2 Кор. 11:14) биз доимо эсда сақлашимиз даркор.

Биз шайтон билан курашаётганимизда ишлатадиган қуролларимиз худди Жаброил ва самовий аскарларнинг қуроллари сингаридир: ибодат, шукрон, ҳақиқат ва имон-эътиқод. Биз ўз кучимизга эмас, балки Худонинг кучига суюнишимиз керак. “Белингизни ҳақиқат камари билан боғланглар, кўксингизга солиҳлик совутини тақинглар. Тинчлик Хушхабарини ёйиш учун оёғингизга илдамлик пойабзалини кийинглар. Бунинг устига имон қалқонини қўлга олинглар, у билан ёвуз шайтоннинг қиздирилган ҳамма ўқларини ўчира оласизлар. Шунингдек, нажот дубулғасини кийинглар, Худо каломи бўлган Рухнинг қиличини кўтаринглар. Ҳар турли дуо ва ёлворишлар билан, Муқаддас Рух илҳоми билан ҳар доим ибодат қилинглар. Ибодатда хушёр ва саботли бўлиб, барча Худонинг азизлари учун илтижо қилинглар...” (Эф. 6:14–18).

Ва ниҳоят, Шоҳ тахти турадиган хонадаги учрашув —  
Худо Люциферга Унинг олдига қайтиб келишини таклиф  
қилаётганлиги ҳақида Муқаддас Китоб ҳеч нима демайди.  
Бироқ биз Муқаддас Китобнинг ҳамма жойида Худо  
эътиқоддан қайтган ва эзилган одамларга Ўз марҳаматини  
инъом қилишини кўрамиз. Биз Унинг марҳаматига  
интилишимизга қараганда, Худо бизга Ўзининг ҳузурҳа-  
ловатини кўпроқ даражада ҳадя қилишни хоҳлашига биз  
амин бўламиз. Бу илоҳий севги мени ўйланишга мажбур  
қиласди: агар қари илоннинг ўзи марҳаматни истаганда,  
миллионлаб истаганлар ўша ерда — Масиҳнинг хочи олдида  
хузур-ҳаловатга эга бўлганларида, илон ҳам ўз мақсадига  
етиша олармиди?

Ваҳий Китобида тасвирлаб берилган “осмондаги жанг”  
бизнинг кўплаб саволларимизга жавоб бермайди. Бироқ са-  
волларнинг энг муҳимига аниқ ва лўнда қилиб жавоб беради.  
Юҳанно бизга Ким галаба қозонгандигини айтади. Бу —  
Худо. Бундан ташқари, Худо кимларни яхши кўришини ҳам  
Юҳанно ёзади. Бу — сизлар. Агар Худо сизларни кутқариш  
учун шундай жанг қилаётган бўлса, демак, У, сиз ҳақиқатдан  
ҳам бунга — ўзингиз учун жанг қилишга лойиксиз, деб  
ўйлади. Гарчанд бу жангда биз учун кўп нарса тушунарсиз  
бўлиб қолса ҳам, Унинг бизга нисбатан бўлган севгиси —  
шак-шубҳасиздир. Худо ҳақиқатдан ҳам Ўз болаларини  
яхши кўради.

## МАВЛУД БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

